



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ СЕУЛГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хеннинг таклифига биноан 27 май кунни давлат таширифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди.

Олий даражадаги учрашувлар чоғида ўзаро ҳамкорликнинг кенг қўлмали масалалари, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни изчил ривожлантириш истиқболлари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Президентимиз Корея Республикаси ҳукумати ва парламенти, етакчи иқтисодий ва молия тузилмалари раҳбарлари билан ҳам учрашувлар ўтказди.

Ташириф якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг қўшма декларацияси қабул қилиниши, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустақамлашга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ

СЕУЛ, 27 май. ЎЗА махсус мухбири
Анвар САМАДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хеннинг таклифига биноан 27 май кунни давлат таширифи билан Корея Республикасига келди.

Жанубий Корея протоколига мувофиқ Ўзбекистон Президенти шарафига Сеул аэропортида икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Сеул кўчалари Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасининг давлат байроқлари, олий мартабали меҳмонни кутловчи шior ва баннерлар билан безатилган.

Ушбу ташириф Ўзбекистон — Жанубий Кореянинг мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлари доирасида ўтмоқда. Улар давлатларимизнинг ўзаро алоқаларига доир кенг қўлмали масалаларни муҳокама қилиш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш, долзарб минтақавий ва

халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат таширифининг асосий тадбирларини, жумладан, Корея Республикаси Президенти ва бошқа раҳбарлари билан расмий музокаралар, етакчи компаниялар раҳбарлари иштирокидаги учрашувларни 28-29 май кунлари ўтказиш мўлжалланган.

Аввал хабар қилингандек, ташириф чоғида икки давлат раҳбарларининг қўшма декларацияси қабул қилиниши ва ўзаро муносабатларни 2014 йилда имзоланган Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация руҳида мустақамлашга қаратилган бир қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Ў.А.

ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Сийёсий партиянинг Сайловолди дастури ижросини таъминлашда, электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилишда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолияти муҳим ўрин тутди. Чунки ижтимоий-иқтисодий соҳадаги масалаларнинг ечимини аниқ қонун ижодкорлигида ўз ифодасини топади. Бу жараёнда депутат қанча фаоллик кўрсатса, ҳаётни чуқур билса, қонунлар шунча мукамал бўлади.



Сайлов ШОТЛУАНОВ олган сурат.

Юзма-юз мулоқотларда

сайловчиларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар тақдирига қизиқиши тобора ошиб бораётгани яққол кўринмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламентида мувофиқ, депутатлар шу кунларда ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай учрашувлар фракцияларнинг электорат, сайловчилар фикр-мулоҳаза ва таклифлари асосида ишлаш имконини янада кенгайтириши билан аҳамиятлидир. Негаки, сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар давомида кўтарилган муҳим ижтимоий масалалар, аҳоли томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар фракциянинг келгуси фаолияти йўналишларини янада аниқ белгилаб олишида муҳим ўрин тутди.

Депутатларнинг қайд этишича, учрашувларда давлат бошқарувини янгилаш

ва янада демократлаштириш, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, ташқи сийosat, хавфсизликни таъминлаш, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ҳамда нуфузини мустақамлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўлмали ишлар тўғрисида сайловчилар билан фикр алмашилмоқда. Бундан ташқари, аҳоли вакилларига 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, қонунларнинг мазмун-моҳияти, муҳокама қилинаётган қонунлар лойиҳаларининг аҳамияти ҳақида ахборот бериляпти.

Учрашувлар сайловчиларнинг фаол иштироки, қизғин савол-жавоблар билан ўтмоқда.

127-Қорақамиш сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Мамаджановнинг сайловчилар билан бўлган учрашувида ҳам бунга яққол амин бўлди.

Олмазор туманидаги «Хончорбоғи» маҳалласида ўтказилган учрашув расмий тадбир, мажлис шаклида эмас, ноодавий тартибда бўлиб ўтди. Самимий ва қизғин суҳбат асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, пенсия ва ижтимоий нафақалар тўлашнинг ҳуқуқий асослари бўйича сайловчилар қўлаб қўллаш билан муносабат этилди. Депутат уларнинг ҳар бирига батафсил жавоб қайтарди, учрашувга келганларнинг жойларда қонунлар ижроси билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини тинглади.

2

ЖАҲОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ

СЕУЛГА ДАВЛАТ ТАШИРИФИ КОРЕЯ МАТБУОТИДА КЕНГ ЁРИТИЛМОҚДА

“27-29 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хеннинг таклифига биноан давлат таширифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётганига қарама-қарсисинан сўнгги ўн йил мобайнида йилгига ўртача 8 фоиз иқтисодий ўсish кўрсаткичларига эришиб келяпти. Бундан ташқари, мамлакат табиий газ, пахта, уран, олтин каби қимматбаҳо бойликларга эга бўлиб, Марказий Осиё минтақасида жойлашган 30 миллиондан зиёд аҳолига эга улкан бозор, темирйўл ва ҳаво йўллари орқали Европа ва Осиёни боғлайдиган ҳудуд, ривожланиш даражаси жуда юқори давлат ҳисобланади.

Ислам Каримов Ўзбекистон мустақилликка эришган, мамлакатимизга илк маротаба 1992 йил июни ойда ташириф буюрган эди. Бу сафарги давлат таширифи эса ҳисоб бўйича саккизинчиси бўлиб, Ўзбекистон раҳбарининг март ойда бўлиб ўтган умумхалқ сайловларидан сўнг илк давлат таширифидир. Ўзбекистон Президентининг айнан бизнинг мамлакатимизни танлаганлиги Корея Республикаси ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик ҳамда кўп қиррали алоқалар ривожига катта қизиқиш билан қарашидан далolatдир” деб таъкидланади Корея Республикаси Президенти матбуот хизмати тарқатган хабарда.

28 май кунини иккала давлат раҳбарлари ўртасида расмий учрашув бўлиб ўтиши, унда саноат ва инфратузилмаларни ривожлантириш, таълим ва маданий алоқаларни юқори босқичга олиб чиқиш, Корея яриморлида тинчликни сақлашга оид сийosatни қўллаб-қувватлаш ва бошқа бир

қатор масалалар муҳокама қилиниши режалаштирилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш кераки, Корея Республикасининг YTN, OBS, E-Today, Segye Ilbo, Herald Economic, E-Daily, Korea Economic, Yonhap News каби бир қатор оммавий ахборот воситаларида Ислам Каримовнинг Корея Республикасига таширифига оид қўлаб материаллар эълон қилинмоқда.

Хусусан, Yonhap News Agency шундай ёзади:

“Президент Пак Кин Хеннинг Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан учрашувида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, иккала тарафнинг ҳам манфаатлари хизмат қиладиган соҳаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади.

Ўтган йили июнь ойида Марказий Осиёнинг энг кўп аҳолига эга бўлган давлати — Ўзбекистонда бўлган музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари газ ва кўёш энергетикаси соҳасида янги ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш борасида келишиб олганди.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ичида Жанубий Кореянинг энг катта савдо ҳамкори ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур мамлакатда қўлаб этик корейслар истиқомат қилади.

Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми 1,9 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.”

Yonhap News Agency маълумотларига кўра, 26 май кунини Сеулда Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатларининг бизнес форуми бўлиб ўтган. Унда икки томонлама иқтисодий ва корпоратив ҳамкорликни янада кенгайтириш йўллари муҳокама қилинди.

Шунингдек, форумда айтилишича:

“Президент Ислам Каримовнинг Корея Республикасига давлат таширифидан олдин ўтказилган мазкур анжуманда ҳар икки давлатнинг ҳукумат аъзолари ҳамда 300 дан ортиқ иштирокчи қатнашган.

— Ўзбекистон Кореянинг Марказий Осиёдаги биринчи рақамли ҳамкори саналади, — дейди Корея Республикаси Бош вазирини ўринбосари, стратегия ва молия вазирини Чой Кён Хван.

— 1992 йилда ўзаро товар айирбошлаш миқдори бор-йўзи 3,5 миллион АҚШ долларини ташкил этарди. Бугунги кунга келиб эса 2 миллиард АҚШ доллари ва ундан ҳам юқори кўрсаткичлар қайд этилмоқда. Сеул ҳамкорлигининг бундан-да кенгайишига ишонди...”

Ўзаро алоқалар масаласига келсак, бу газ ва тиббиёт учун фойдаланиладиган кимёвий моддалар, ахборот технологиялари, сув ресурсларини бошқариш ва миллий муҳофаа йўналишларига қаратилди. Бундан ташқари, қурилиш моллари, электроника сектори ва бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорликни кенгайтириш имконияти мавжуд.

Форум давомида ўзбекистонлик тадбиркорлар давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиши бўйича ўз фикрларини билдирди. Алоқаларнинг янада мустақамлашгани икки томон учун ҳам манфаатли эканлиги алоҳида таъкидланди.

Жанубий Кореянинг нуфузли компаниялари вакиллари ҳам Ўзбекистонда қандай қилиб бизнес соҳасида муваффақиятга эришганликлари ҳақида гапириб бердилар. Келажакда амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳалар ҳақида сўз юритилди.”

«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ тайёрлади.

Ўзбекистон ХДП маҳаллий партия кенгашларида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналарининг иш самарадорлигини ошириш, йирик бошланғич партия ташкилотларида бундай қабулхоналар тармоқларини кенгайтириш ва уларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлари билан ўзаро алоқасини мустақамлаш бўйича чоралар кўради.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.

СЎЗ — ЎЗХДП ЕТАКЧИЛАРИГА

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда

халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаоллиги муҳим ўрин тутди



Сирожиддин
АЪЗАМОВ,
Ўзбекистон ХДП
Тошкент вилоят
кенгаши раиси:

— Жорий йил 23 январь кунини бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида давлат бошқарувини ташкил этишда сийosatий партияларнинг ўрни, ваколатлари кенгайиб бораётгани алоҳида таъкидланган эди.

Бугун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатларидан ҳам бу борада катта масъулият талаб

этилмоқда. Айниқса, партия гуруҳларининг давлат бошқаруви органлари устидан назоратини, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ таъкид, муқобил дастурларни илгари суриш борасидаги фаолиятини кучайтириш олдимизда турган энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу маънода, ҳар бир депутатдан ҳаётимизнинг устувор ва долзарб

йўналишларини ўз ичига олган ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожини таҳлил қилиб бориш, ечимини қутаётган масалаларни ҳал этишда сидқидилдан жон қуйдириш, курашиш талаб этилмоқда.

Ўтган йили Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловларда партияимиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 3, халқ депутатлари вилоят Кенгашига 16 ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига 202 нафар депутат сайланди. Бу вилоятда партияимиз депутатлик корпусининг таъсир кучи сезиларли даражада юқори эканини аниқлади. Ҳамма гап мана шу имкониятдан самарали фойдалана олишимизда.

2

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА


Божхона ишининг ҳуқуқий асослари

янада мустақамлаш
ланмоқда



Қуйи палатанинг навбатдаги мажлисида депутатлар мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Хусусан, депутатлар янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

2



Сайловчи кўтарган
ҳар бир масала
албатта эътиборга олинади



Қорақалпоғистонлик иқтидорли
ёшлар ЎзХДП сафида бўлишни
исташмоқда

■ ЎзХДП НОГИРОН БОЛАЛАРНИ ЗАРУР МАХСУС АДАБИЁТ ВА ҚўЛЛАНМАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА СОҲА ўҚИТУВЧИЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР ЖОРИЙ ЭТИШ, ЖИСМОНИЙ ИМКОНияТИ ЧЕКЛАНГАН ТАБАЛАЛАРНИНГ Олий ўқув юртларида таълим олишлариНИ КЕНГАЙТИРИШНИ муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

Улар Ватанимиз шарафини ҳимоя этишади

2015 йил 30 май. Янги Зеландияда футбол бўйича ёшлар (U-20) ўртасида жаҳон чемпионати бошланади

■ Ҳар икки йилда ўтказиладиган мазкур нуфузли мусобақада ер куррасининг энг сара йигирма тўртта терма жамоаси голиблик учун майдонга тушади. Қатнашчилар тўрттадан олти гуруҳга бўлинган ҳолда баҳсларга киришади. Гуруҳ босқичи учрашувлари шу йилнинг 10 февралда Янги Зеландиянинг Окленд шаҳрида қўра ташланган эди.

Бу катта футбол байрамида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси тўртинчи мартаба Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Равшан Хайдаров бош мураббийлик қилаётган ёшларимиз мусобақанинг «F» гуруҳида тўп суришади. Унда ҳамюртларимиз Германия, Фижи ҳамда Гондурас вакиллари билан куч синашади.

Мусобақа низомига кўра, ҳар бир гуруҳдан дастлабки икки ўрин соҳиби, шунингдек, ўз гуруҳларида энг яхши кўрсаткични қайд этган тўртта терма жамоа «плей-офф» босқичи йўлланмасини қўлга кўрилади.

20 июнга қадар давом этадиган жаҳон чемпионати учрашувлари Янги Зеландиянинг Окленд, Крайстчерч, Данидин, Гамильтон, Нью-Плимут, Веллингтон ва Фангарей шаҳарларида бўлиб ўтади.

Маълумот ўрнида шунини алоҳида таъкидлаш кераки, ёшлар ўртасида футбол бўйича ilk жаҳон чемпионати 1977 йилда Тунисда ўтказилган. Ўтган йиллар мобайнида айнан ушбу чемпионат Диего Марадона, Ромарио, Роналдиньо, Месси каби футбол юлдузларини дунёга танитган. Кичик мундиал учрашувларини бугун бутун дунё футбол мухлислари зўр ҳаяжон ва орзиқиш билан кутишмоқда.

Эслатиб ўтамиз, жаҳон чемпионати гуруҳ босқичи, учрашувлари 30 май кўни Окленд шаҳрида Янги Зеландия — Украина ёшлар терма жамоалари баҳси билан бошланади. Шунингдек, айнан шу кўни мухлислар Аргентина — Панама, АҚШ — Мьянма, Гана — Австрия футболчилари учрашувида гувоҳ бўлади.

«F» ГУРУҲИ УЧРАШУВЛАРИ ТАҚВИМИ

- 1 июнь. Германия — Фижи
- 1 июнь. **ЎЗБЕКISTON** — Гондурас
- 4 июнь. Германия — **ЎЗБЕКISTON**
- 4 июнь. Гондурас — Фижи
- 7 июнь. Гондурас — Германия
- 7 июнь. Фижи — **ЎЗБЕКISTON**

ГУРУҲЛАР:

«А» гуруҳи

Янги Зеландия
Украина
АҚШ
Мьянма

«Д» гуруҳи

Мексика
Мали
Уругвай
Сербия

«В» гуруҳи

Аргентина
Панама
Гана
Австрия

«Е» гуруҳи

Нигерия
Бразилия
КХДР
Венгрия

«С» гуруҳи

Катар
Колумбия
Португалия
Сенегал

«Г» гуруҳи

Германия
Фижи
ЎЗБЕКISTON
Гондурас

Эркин ХОЛБОБОВ,

«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ҳасан ПИРМУХАММЕДОВ олган суратлар.

Жаҳон чемпионатида иштирок этувчи Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари



Бош мураббий —
Равшан Хайдаров



Мураббий —
Илхом Мўминжонов



Дарвозабонлар мураббийи —
Шавкат Абдуражаев



Шифокор —
Василий Кишкин



Шифокор —
Алишер Орипов



Массажчи —
Расул Даянов



Маъмур —
Виталий Жалилов

ДАРВОЗАБОНЛАР



Дилшод Ҳамроев
(«Қизилқум»)



Ботирали Эргашев
(«Пахтакор»)



Сарвар Қаримов
(«Локомотив»)



Рустам Ашурматов
(«Бунёдкор»)



Ақромжон Қомилов
(«Бунёдкор»)



Аббосжон Отахонов
(«Пахтакор»)



Иброҳим Абдуллаев
(«Пахтакор»)

ҲИМОЯЧИЛАР



Нажмиддин Нормуродов
(«Насаф»)



Одилбек Ҳамроев
(«Насаф»)



Достон Турсунов
(«Нефтчи»)



Хуршид Ғиёсов
(«Пахтакор»)



Жавоҳир Соҳибов
(«Пахтакор»)



Жавоҳир Сиддиқов
(«Пахтакор»)



Тимур Толипов
(«Пахтакор»)

ЯРИМ ҲИМОЯЧИЛАР



Отабек Шукуров
(«Бунёдкор»)



Сардор Азимов
(«Бунёдкор»)



Миржамол Қосимов
(«Бунёдкор»)



Достон Ҳамдамов
(«Бунёдкор»)



Захилло Ўринбоев
(«Бунёдкор»)



Элдор Шомуродов
(«Бунёдкор»)



Равшан Хурсанов
(«Пахтакор»)

ҲУҶУМЧИЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Auto trade cooperation» МЧЖнинг аукцион савдоларига марҳамат!

2015 йил 1 июль кўни соат 11:00да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Республика Инкассация хизмати давлат унитар корхонаси ҳисобиди қўйиладиган автотранспорт воситалари чиқарилган: 2000 йилда и/ч «ГАЗ-3110» р-ли, д/р 01/271МВА, бошланғич баҳоси — 14 060 000 сўм; 2000 йилда и/ч, «ГАЗ-3110» р-ли, д/р 01/347GAA, бошланғич баҳоси — 13 190 000 сўм; 1994 йилда и/ч, «Опель-Вектра» р-ли, д/р 01/593ZBA, бошланғич баҳоси — 16 100 000 сўм; 2000 йилда и/ч, «Мидабус М23» р-ли, д/р 01/617FAA, бошланғич баҳоси — 38 460 000 сўм; 2000 йилда и/ч, «Мидабус М23» р-ли, д/р 01/618FAA, бошланғич баҳоси — 38 460 000 сўм; 1996 йилда и/ч, «Мидабус М24» р-ли, д/р 01/619FAA, бошланғич баҳоси — 38 460 000 сўм; 2000 йилда и/ч, «Мидабус М23» р-ли, д/р 01/621FAA, бошланғич баҳоси — 42 730 000 сўм; 2000 йилда и/ч, «Мидабус М23» р-ли, д/р 01/620FAA, бошланғич баҳоси — 38 460 000 сўм; 1999 йилда и/ч, «Мидабус М23» р-ли, д/р 01/954DAA, бошланғич баҳоси — 38 460 000 сўм; 1999 йилда и/ч, «Опель-Омега» р-ли, д/р 01/388WBA, бошланғич баҳоси — 24 970 000 сўм; 2007 йилда и/ч, «Нексия» р-ли, д/р 01/170KAA, бошланғич баҳоси — 32 540 000 сўм; 2005 йилда и/ч, «Нексия» р-ли, д/р 01/716EAA, бошланғич баҳоси — 23 990 000 сўм; 2005 йилда и/ч, «Нексия» р-ли, д/р 01/754FAA, бошланғич баҳоси — 27 080 000 сўм; 2007 йилда и/ч, «Нексия Донос» р-ли, д/р 01/764FAA, бошланғич баҳоси — 28 380 000 сўм; 2005 йилда и/ч, «Нексия» р-ли, д/р 01/837NAA, бошланғич баҳоси — 23 830 000 сўм. Автотранспорт воситалари автохўжалик бўлимининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ҳасанбой мавзеси, Тикланши кўчасидаги ҳамда Мирзо Улуғбек тумани,

Ҳамид Олимжон майдонидаги гаражида сақланмоқда. Автотранспорт воситалари билан иш қўнлари (якшанба кунидан ташқари) соат 14:00 дан 17:00 гача жойида танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги қўриқ»ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиз миқдоридида закалат пулини тўлашлари керак. Аукцион қўлиб томонидан мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотув нархининг 0,25 фоиз миқдоридида комиссия йўғим тўланади.

Савдолар «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Мазкур мулклар сотилмай қолган тақдирда тақририй аукцион савдолари 2015 йил 8, 15, 22, 29 июль кўнлари ва ҳар ҳафтанинг чоршанба кўнлари қўриқда кўрсатиб ўтилган соатда ўтказилади. Аукцион қўлиблар савдо ўтган кўндан бошлаб 20 (йигирма) кўн ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тўзади.

Талабгорлардан аризалар расмий иш қўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланганидан бир кўн олдин соат 11:00 да тўхтатилади. Закалат пули тўловлари «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖнинг АТБ «InfiniBANK» банкдаги МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қўйида кўрсатилган қўжатларни топширишлари керак: жисмоний (юрлик) шахсни тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжатлари ва закалат пули тўлаганилиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашганда — ўратилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-тор қўчаси, 6-уй. Тел: (0595) 177-96-74, e-mail: info@auksion.uz

Гувоҳнома № 005148

Хизматлар лицензияланган.

ООО «KRANTAS»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



АВТОЦИСТЕРНА-БЕНЗОВОЗ (МАСЛОВОЗ, НЕФТЕВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 6м³, 10м³, 12м³ И 15м³



АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 6м³, 10м³, 12м³



АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» ИЛИ «ISUZU» 6 м³, 8 м³, 12 м³



КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИВОМОЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 6м³ И 12м³



БАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» ИЛИ «MAN» (4x4) ИЛИ (6x6) 18-24 ЧЕЛОВЕК



АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» 6м³ ИЛИ 10 м³

Телефоны: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН.

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 559
17968
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.30
Topshirilgan vaqti — 01.40
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7633
1 2 3 5 6